

## Спорт бизни бирлаштиради

✘ “Қишлоқ ва сув хўжалигини энергия таъминоти” факультети 2-талабалар турар жойида факультет ёшлар кенгаши ташаббуси билан “Спорт бизни бирлаштиради” шиори остида “8-декабрь Конституция байрамининг 27 йиллиги муносабати билан Конституция ўтказиш ойлигида Шашка мусобақаси ўтказилди. Мусобақада ҚСХЭТ факультети декани А.Ж.Исақов, ЁИ бўйича декан муовини А.Н.Ботиров ва 2-ТТЖ психологи Д.Мухитдиновналар қаннашдилар. Мусобақа қарийб 40 га яқин талабани ўзига қамраб олди. Бу ҳам бўлса талабаларни нафақат соғлиги ва бардамлигидан ташқари, уларга бўлган ҳурмат, эътибор ва ўзларига бўлган ишончни ҳам оширишига катта хисса қўшганига ҳеч бир шубҳа йўқ. Беллашув жуда қизиқарли ва сермазмун тарзда ўтди. Натижасига кўра 1-ўрин ҚСХЭА (касб таълим) йўналиши 304 гуруҳ талабаси Неъматов Султонмурод Нажмиддин ўғли, 2-ўрин Бахтиёров Ихтиёр Шухрат ўғли, 3-ўрин Қобилжонов Абдор Қахрамоновичлар эгаллашди. Ғолиблар факультет томонидан сертификат ва совғалар билан тақдирланди.

**Институт матбуот хизмати раҳбар Р.Жуманиёзов**